https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 29.01.2026

O’zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

Navoiy bo’limi dotsenti, p.f.n.

Gulyamov Djaxangir Raxmatullaevich

Азимжонова Рушана Рашид қизи

Фанлар академияси Навоий бўлими, стажёр-тадқиқотчи рушанаазимжонова0@гмаил.com

ПЕДАГОГИК ОҒИШГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мактаб ўқувчилари хулқида учрайдиган педагогик оғиш жараёнларини коррекция қилишнинг самарали усуллари ёритилган.

Калит сўзи: ўсмир, педагогик, оғиш, диагностика, коррекция, метод.

Аннотация: В данной статье раскрыты эффективные методы коррекции педагогических отклонений в поведении школьников.

Ключевые слова: подросток, педагогика, отклонение, диагностика, коррекция, метод.

Annotation: This article describes effective methods for correcting pedagogical deviations in the behavior of school students.

Keywords: adolescent, pedagogy, deviation, diagnostics, correction, method.

Кириш. Замонавий жамиятда ўсмирлар хулқ-атворидаги оғишув (девиант) ҳолатлар муаммоси психология ва педагогика фанининг долзарб йўналишларидан биридир. Чунки ўсмирлик даври инсон ҳаётидаги энг мураккаб, қарама-қаршиликларга бой босқич бўлиб, бу даврда шахснинг характери, иродаси, ахлоқий қарашлари ва ижтимоий фаоллиги шаклланади.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 29.01.2026

Бундай ҳолатлар ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятлари — темперамент, эмосионал беқарорлик, иродавий сустлик ёки ўзини назорат қила олмаслик натижасида ҳам юзага келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш Концепциясида мактабгача таълимда фанларни ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиш,мактабгача ва умумий бошланғич таълим изчиллигининг мазмун ва процессуал компонентларини оптималлаштириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлиги келтириб ўтилган [1].

2020 йил 22-декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сонли қарорлари бўйича бир қатор вазифаларни амалга ошириш соҳа мутахассисларнинг педагогик маҳорати ва креатив қобилиятларига нисбатан талабларнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадида соҳа мутахассислари олдига катта маъсулият юклайди [2].

Адабиётлар таҳлили ва методлар. Ёш авлодга тарбия бериш – тарбиявий мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатиш, ижтимоий ҳаётда муносабатларга киришиш меъёрлари ва унга риоя этиш талаблари бўйича зарур бўлган шарт-шароит яратишни назарда тутади. Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган педагогик фаолият самараси, кўп жиҳатдан, ўқувчи шахсига қаратилган – мақсадга йўнилтирилган тарбиявий таъсирга боғлиқ. Бу жараённинг жадал суръатлар билан бориши эса тарбиячи-педагогнинг ўқувчининг характерологик ва ижтимоий-зарур сифатларини шаклланганлик ҳолати ҳамда хулқидаги оғишнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга таъсир қилувчи омилларга оид маълумотларга эга бўлишига боғлиқ бўлади.Ҳозирги вақтда ўсмирларнинг девиант хатти-ҳаракатларини профилактика ва коррекциялашда турли методлар қўлланилмоқда. Чунки ўқувчи қўрқоқ,

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 29.01.2026

ёлғизликка мойил, ўз қобиғига ўралиб олган ва синфдошлари билан ижтимоий муносабатларда пассив бўлиши – педагогик меъёрдан оғишнинг бир қутби бўлса, унинг қарама-қарши қутуби – жудаям шўх, гиперфаол, тажовузкор, ўқитувчи ва синфдошлари билан низоларга борадиган ўқувчилар ҳисобланади [3].

Г.Т.Ядгарова ва О.У.Авлаев мактабда олиб бориладиган коррекциялаш ва профилактика ишларини режалаштириш ва ташкил этишни, энг аввало, болалар хулқдаги оғишларни, уларнинг таълим мотивациясини ва ахлоқ-одоб маънавиятини аниқлашдан бошлашни таклиф қилганлар. Педагогик коррекция мақсадига эришиш мазкур тадбирлар педагогик меъёрдан оғишган ўқувчиларнинг мактаб адаптациясини енгилаштиришга, алоҳида урғу берилади [4].

Тайлоқов Н.И. тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлашда қуйидаги методлардан фойдаланишни таклиф қилади: - дарсда ва таълим жараёнида ахлоқий тарбиянинг самарали таъсиридан фойдаланиш; - аҳил, иноқ уюштирилган интизомли жамоа орқали ахлоқий тарбия бериш; - самарали натижаларни кафолатлайдиган тарбиявий тадбирларни ташкил этиш; - ижобий эмоционал муҳит яратиш орқали таъсир кўрсатиш [5].

Д.Ш.Баратова ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш масалаларини ўрганиб, янгича услубий ёндашувлар – ўсмир хулқ-атворининг психологик хусусиятлари, улардаги инқирозли ҳолатлар ва ҳиссиётли кечинмалар ҳақида, хулқ бузилишлар типологияси, психологик таснифларининг эксперименталь маълумотлар асосидаги таҳлили ва шу таҳлиллар асосида психологик хизмат кўрсатиш усулларини таклиф қилган [6].

Натижалар: И.Протасова умумтаълим муассасаси шароитида ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олишнинг ижтимоий-педагогик жиҳатларини коррекциялашда тавсия қилган методларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 29.01.2026

1. Характернинг салбий хусусиятларини бартараф этишга қаратилган методлар: “Портлаш”, “Характерни реконструкция қилиш”.

2. Ўз-ўзини англаш ва мотивацион соҳани қайта қуриш методлари: ўз камчилик ва афзалликларини объектив қайта кўриб чиқиш; ўз-ўзини англашни қайта йўналтириш; ишонтириш; салбий хатти-ҳаракатларни башорат қилиш ва уларни намоён бўлишининг олдини олиш.

3. Ҳаётий тажрибани қайта қуришга қаратилган методлар: қайта ўрганиш; чекловлар; одатий турмуш тарзини тартибга солиш; диққат марказини ўзгартириш.

4. Салбий хулқ-атворнинг олдини олиш ва ижобий хулқ-атворни рағбатлантириш методлари: жазолаш ва рағбатлантириш; мусобақаларда иштирок этиш; ҳаётда ижобий истиқболга эга бўлиш [7].

Муҳокама. Мактабда коррекциялаш ва профилактика тадбирлари мақсадга йўналтирилган бўлиши учун энг аввало диагностика ўтказилади. Диагностика методлари воситасида тарбияси қийин гуруҳга мансуб бўлган ўқувчилар аниқланиб, улар хулқ-атворининг психологик хусусиятлари, хулқ-атворидаги ўзгаришларнинг ёшга боғлиқлиги, оғишларнинг типологияси, психик ҳолатларнинг хулқ-атворга таъсири, объектив ва субъектив омиллар аниқланиб, маълумотлар таҳлил қилинади.

Коррекция самарадорлигини оширишнинг муҳим шартлардан бири – ўқувчида тарбиявий мобилликни шакллантириш бўлиб, коррекцион таъсир объекти муаммони келтириб чиқарувчи ҳақиқий сабабларни билиши ва уларни бартараф этишга эҳтиёжнинг шаклланганлиги билан ифодаланади. Бунинг учун ҳавола қилинадиган маълумотлар статистик фактлар билан тасдиқланган бўлиши ва ўқувчиларнинг ёш жиҳатларини хисобга олиб тақдим этилиши керак

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 29.01.2026

“Ўқувчини таълим жараёнинг субъекти сифатида шакллантиришни педагогик қўллаб-қувватлаш” деганда ўқитувчининг ўқув жараёнидаги коммуникатив-диалогик фаолияти ва субъективлиги билан бир қаторда, таълим объекти – ўқувчиларнинг иродавий ва ўқув фаолиятларини ташкил қилиши, уларни ўқитиши ва қиймат-семантик муносабатларни ривожлантиришга қаратилган муайян педагогик фаолиятининг тизими тушунилади. Педагогик қўллаб-қувватлаш ўқув машғулотининг турли босқичларида ўқувчининг таълим субъекти сифатидаги позициясини шакллантиришда, ушбу позициянинг намоён бўлиши учун шароит яратишда ҳамда қийинчиликларга дуч келадиган болаларга индивидуал қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам беришда ўз аксини топади [8].

Хулоса. Ўқувчилар хулқидаги оғишларни коррекциялаш методларини танлашда оғиш тури ҳамда ўқувчиларнинг индивидуал ва ёш хусусиятлари ҳамда методнинг таъсир қилиш механизмларини ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Салбий педагогик оғишларни коррекциялашда қўлланиладиган методлар ўқувчиларининг салбий ривожланишини кечиктириш ва секинлаштиришга ёрдам бериб, уларни ижодий ва шахсий фазилатларини ривожланишига ҳисса қўшадиган ҳамда ижтимоий муносабатлар ва ҳис-туйғуларининг салбий йўналишини тузатиш имконини бериши керак. Ўқувчилар хулқидаги ижобий педагогик оғишларни коррекциялаш методлари ўсмирларнинг мавжуд потенциалини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва рўёбга чиқаришга, шунингдек, бошқалар томонидан нотўғри талқин қилиниши ёки рад этилиши сабабли юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишга қаратилиши зарур.

https://wordlyknowledge.uz/index.php/gpble
Qabul qilingan sana: 07.12.2025
Nashr etilgan sana: 29.01.2026

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.–Тошкент: “Ўзбекистан”, 2017. – Б.163

4. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси қийин, қалтис гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш (Услубий қўлланма). -Тошкент: 2007.

5. Тайлоқов Н.И. ва бошқ. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш. 1-китоб, Тошкент, ЎзПФИТИ: “Камалак” нашриёти, 2017. – Б. 46.

6. Баратова Д.Ш. Ўсмирларга психологик хизмат кўрсатиш услуби: ўқув услубий қўлланма / Маъсул мухаррир: Г.Қ.Тўлагонова. –Бухоро: “Наврўз”, 2015. – 145 б.

7. Протасова И. Деятельность социального педагога по профилактике делинквентного поведения у подростков в условиях обўеобразовательного учреж

8. Гулямов Дж.Р., Акрамова Г.Р., Азимжонова Р.Р. К вопросу педагогического отклонения в поведении учащихся: сущность, факторы и причины возникновения // Ж., Ta’lim va innovatsion tadqiqotlar (2023 йил №4) / https://interscience.uz/index.php/home –С. 155-162